
"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуннинг мазмун МОҲИЯТИ

Жорий йилнинг 27 октябр куни "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги ЎРҚ-797 сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонуннинг эътиборли жиҳатлари: Тошкент шаҳар, Тошкент вилояти ИИББ ва вилоятлар ИИБ бошлиқлари ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ҳамда уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида, уларнинг жамоат хавфсизлиги хизмати бўйича ўринбосарлари эса жамоат хавфсизлиги ҳақида ҳар чоракда Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгашларига ҳисобот тақдим этади; Туман (шаҳар) ИИБ бошлиқлари ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ҳамда уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида ҳар чоракда, уларнинг жамоат хавфсизлиги хизмати бўйича ўринбосарлари эса жамоат хавфсизлиги ҳақида ҳар ойда туман (шаҳар) халқ депутатлар кенгашларига ҳисобот тақдим этадилар; "Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскан"ларининг профилактика катта инспекторлари жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳолати тўғрисида ҳар 6 ойда халқ депутатлар туман (шаҳар) кенгашларига ҳисобот тақдим этадилар; Шунингдек ушбу Қонун билан "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари тўғрисида" ги Қонуни янги модда, "Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани" тушунчаси билан тўлдирилди. Фурқат тумани адлия бўлми

2022-11-18 12:38:14